

КОСМОСДА УЧ БАҲОДИР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СССР СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ҚАҲРАМОНЛАР
БИОГРАФИЯСИ
САҲИФАЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ҲАҒЗАТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН.

8 июнь 1971 йил, сешанба

№ 129 (14.999).

Баҳоси 2 тийин.

ТАСС

ахборотлари

«СОЮЗ-11» ПАРВОЗДА. КОСМОНАВТЛАР «САЛЮТ» ИЛМИЙ СТАНЦИЯСИДА

Ер атрофидаги космик фазони тадқиқ қилиш программасига мувофиқ 1971 йил 6 июнь Москва вақти билан соат 7.55 мунутда Совет Иттифоқида «Союз-11» космик кемаси учурувчи ракета ёрдамида парвоз қилди. Соат 8.04 мунутда «Союз-11» кемаси Ер йўлдошининг ҳисоблаб қўйилган орбитасига чиқариб қўйилди.

Космик кемани кема командири подполковник Георгий Тимофеевич Добровольский, борт инженер, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси Владислав Николаевич Волков ва синавчи инженер Виктор Иванович Пацаевдан иборат экипаж учириб бормоқда.

«Союз-11» кемасини учуришдан мақсад «Салют» орбитал илмий станцияси билан бирга учиб илмий-техникавий комплекс тадқиқотлар ўтказишни давом эттиришдир.

«Союз-11» кемасининг экипажи билан илмий радио ва телевизион алоқа қилиб турибди.

Космонавтлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар, «Союз-11» кемасига ўрнатилган системалар нормал ишлаб турибди, кеманинг космонавтлар яшайдиган бўлмағарида белгиланган қўйилган шароит сақланмоқда.

Космонавтлар Г. Т. Добровольский, В. Н. Волков, В. И. Пацаев ўртоқлар учушининг мўлжаллаб қўйилган программасини бажаришга киришдилар.

Узоқ муддатли орбитал станцияларни вужудга келтириш программасига мувофиқ, Совет Иттифоқида 1971 йил 7 июндан бошлаб орбитал илмий «Салют» станцияси бошқариладиган биринчи орбитал илмий станция сифатида ўз ишини бошлаб юборди.

Илмий «Салют» станцияси 1971 йил 19 апрелда орбитага чиқарилган эди. Москва вақти билан соат 10 дан 45 мунут ўтганида «Союз-11» транспорт космик кемаси илмий «Салют» станцияси билан муваффақиятли туташтирилгандан кейин «Союз-11» кемасининг экипажи илмий станция биносига ўтди.

Транспорт кемасида экипажни Ер йўлоши—илмий станция ботиға олиб чи-

қишдан иборат инженерлик-техника ва-зифаси биринчи марта ҳал этилди.

Космик аппаратларни туташтириш жараёни икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда «Союз-11» кемаси 100 метргача бўлган масофада бошқаришнинг автомат режимида «Салют» станцияси билан яқинлашди. Шундан кейинги яқинлашишни кема экипажи амалга оширди.

«Союз-11» кемаси «Салют» станцияси-га етиб боргандан кейин аппарат ме-ханик усулда қаттиқ туташтирилди ва улар электрик ҳамда гидравлик комму-никациялар билан бириктирилди.

Шундан кейин космонавтлар туташти-ришнинг герметиклигини ва станция ичидаги системаларнинг ишини, туташ-тирилган аппаратлар бўлмағаридаги микро иқлим параметрларини текшириб қўрдилар, уларни бириктириб турган туйнукнинг қопқоғини очдилар ва илмий станция бўлмасига кирдилар.

Телеметрик информация маълумот-ларига ва космонавтларнинг берган ах-боротиға қараганда, «Салют» станцияси автомат режимида узоқ вақт давом этган парвоздан кейин борт системалари, агре-гатлари ва илмий аппаратлари нормал ишлаб турибди.

Орбитал «Салют» станцияси илмий-техника экспериментлари ва тадқиқотла-ри ўтказиш, станциянинг парвозини ва унинг фазодаги ҳолатини бошқариш учун мўлжалланган аппаратлар ҳамда системалар билан, шунингдек, экипаж-нинг ишлаши ва дам олиши учун нормал шарт-шароит бўлишини таъминлайдиган системалар билан жиҳозланган бўлма-лардан иборат. Бундан ташқари, космо-навтларнинг ишлаши ва дам олиши учун «Союз» кемаси бўлмағарида фой-даланилмоқда. Илмий-тадқиқот аппа-ратларининг бир қисми ҳам ана шу бўл-маларга жойлаштирилган.

«Салют»—«Союз» космик система-ларининг умумий вази 25 тоннадан ор-тик.

Орбитал «Салют» станциясининг пар-вози вақтида экипаж илмий-техникавий

тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказа-ди. Буларнинг асосий қисмлари қуйида-гилардан иборат:

— Бошқариладиган орбитал стан-циядаги конструкциялар, агрегатлар, борт системалари ва аппаратларини текшириш ҳамда синаб қўриш;

— Станциядаги мўлжаллаб олиш ва навигация методлари ҳамда мустақил ишловчи воситалар, шунингдек, орбита-да маневр қилиш вақтида космик ком-плексини бошқариш системаларини пи-шитиш;

— Ер юзасидаги геологик-географик объектларни, атмосфера ҳодисаларини, ернинг қор ва муз қатламининг тадқиқ этиш, бундан мақсад—ана шу маълум-отлардан халқ хўжалик вазибаларини ҳал этиш учун фойдаланиш методикаси-ни ишлаб чиқиш;

— Электромагнит нурланиш спектри-нинг турли диапазонларида атмосфера ва космик фазодаги физик ҳолатларни, жараён ва ҳодисаларни тадқиқ этиш;

— Космонавтларнинг станциядаги турли ишларни бажариш имкониятларини аниқлаш ва космик фазо омилларининг инсон организмига таъсирини ўрганиш юзасидан медицина-биологик тадқи-қотлар ўтказиш.

«Салют» станциясининг командири ўр-тоқ Георгий Тимофеевич Добровольский космонавтлар ўзларини яхши ҳис этаёт-ганликларини ва парвознинг планлашти-рилган программасини бажаришга ки-ришганликларини хабар қилди.

Шундай қилиб, Ер атрофидаги фазода биринчи марта бошқарилаётган орбитал «Салют» илмий станцияси вужудга кел-тирилди ва ишлаб бошлади.

Космик техникани ва бошқариладиган парвозларни ривожлантириш соҳасида муҳим қадам қўйилди, янги космик ком-плексе—транспорт кемалари хизмат қў-рсатадиган орбитал станциялардан фой-даланиш фанни тараққий эттириш ва халқ хўжалигини юксалтириш манфаат-лари йўлида космик фазони янада тал-қиқ этиш ва ўзлаштириш юзасидан кенг истиқболлар очиб беради.



Г. Т. ДОБРОВОЛЬСКИЙ.



В. Н. ВОЛКОВ.



В. И. ПАЦАЕВ.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ
ОРБИТАЛ «САЛЮТ» СТАНЦИЯСИ ЭКИПАЖИ
КОСМОНАВТЛАР ГЕОРГИЙ ТИМОФЕЕВИЧ
ДОБРОВОЛЬСКИЙ, ВЛАДИСЛАВ НИКОЛАЕВИЧ
ВОЛКОВ ВА ВИКТОР ИВАНОВИЧ ПАЦАЕВ
ЎРТОҚЛАРГА ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

Азиз ўртоқлар!

Ватанинг космик фазони тал-қиқ этиш ва ўзлаштириш юзаси-дан янги топшириғини бажариш учун совет илмий космик «Салют» станциясига муваффақиятли етиб бораётган экипаж билан сиз-ларни Совет Иттифоқи Комму-нистик партияси, СССР Олий Со-вети Президиуми ва СССР Ми-нистрлар Совети номидан самими-ий табриклаймиз.

Сизлар совет халқи КПСС XXIV съезди белгиланган буюк планларни амалга ошириш соҳа-

сида зўр ғайрат билан меҳнат қи-лаётган ақоиб бр пайтда, пар-воз қилмоқдасиз.

Сизлар ана шу масъулиятли ва мураккаб топшириқни шараф билан бажара олишингизга ишон-чимиз комил. Бу топшириқнинг бажарилиши совет халқи ва бу-тун инсоният бахт-саодати йўли-да космик фазони ўзлаштириш план-ларини амалга оширишга катта ҳисса бўлиб қўйилади.

Жонажон юртимизга эсон-омон кайтиб келишингизни тилаймиз.

Л. БРЕЖНЕВ, Н. ПОДГОРНИЙ, А. КОСИГИН.

ВАТАН ТОПШИРИҒИ БАЖАРИЛАДИ!

ЭКИПАЖ АЪЗОЛАРИНИНГ ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ
РАҲБАРЛАРИ ТАБРИҒИГА ЖАВОБИ

Самимий табриклар ва ғам-хўрликлар учун КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Минис-

трлар Советидан ғоят миннатдор-миз. Ватан топшириғи бажарила-ди.

Космонавтлар Добровольский, Волков, Пацаев.

И. В. КАПИТОНОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитети-нинг секретари ўртоқ И. В. Ка-питонов 4—6 июнда Ўзбекис-тонда бўлди. У Бухоро, Анди-жон ва Фарғона областларини, Бухоро, Навоий, Зарафшон, Ан-дижон, Фарғона ва Марғилон шаҳарларини бориб қўрди.

И. В. Капитонов бир қанча саноат корхоналари, қўрғилар, қолхоз ва совхозлардаги бошланғич партия ташкилотла-рида ташкилий ва сиёсий иш-қандай уюштирилганлиги билан танилди. КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш

мусобақаси қандай бораётган-лиги тўғрисида корхоналарнинг раҳбарлари, халқ хўжалиги му-тахассислари ишчилар ва қол-хозчилар билан суҳбатлашди.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолитига кан-дидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бирин-чи секретари ўртоқ Ш. Р. Ра-шидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ик-кинчи секретари ўртоқ В. Г. Ло-моносов, областларнинг раҳ-бар ходимлари ўртоқ И. В. Ка-питонов билан бирга бўлишди. (ЎЗТАГ).

ДИЙДОР КЎРИШГУНЧА...

«СОЮЗ-11» КЕМАСИНИНГ КОМАНДИРИ ЎРТОҚ
Г. Т. ДОБРОВОЛЬСКИЙНИНГ ПАРВОЗ ОЛДИДАН
АЙТГАНЛАРИ

Азиз ўртоқлар ва дўстлар! Бутун бошқаришда «Союз-11» кемаси бепоян космосга парвоз қилди. Биз орбитадаги «Салют» илмий станцияси билан биргаликда учиб, космик фазо-дан тинч мақсадларда фойдала-ниш борасида илмий техника-вий тадқиқотлар ва экспери-ментлар комплексини давом эт-тиришимиз керак. «Союз-10» космик кемаси бошлаб берган ишларнинг даватдаги босқичини бажариш билан топширилди.

Бизга билдирилган юксак ишонч учун «Союз-11» космик кемасининг экипажи номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига чуқур ташаккур изҳор қиламан.

Биз ишонтириб шуни айта-мизки, Ватанинг янги фахрли топшириғини муваффақиятли бажарамиз.

Жонажон еримизда дийдор қўричайлик, (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткаш-лари КПСС XXIV съезди қарорларини амал-га ошира бориб, янги беш йиллик биринчи йилни катта меҳнат муваффақиятлари бил-ан нишонламоқдалар. Ўзбекистон пиллачи-лари шу йил баҳордаги ноқудай шароитлар-ни енгиб, илақ қурти боқилининг прогрессив усулларини жорий қилиб, ўзларининг фидо-корона меҳнатлари билан пилладан мўл-хосил еттиштирдилар ва йиллик планин муваф-фақиятли бажардилар.

Давлатта 19.612 тонна пилла сотилди. Топ-ширилган пилланинг асосий қисми биринчи сортларга қабул қилинди. Бу йил давлатта сотилган пилла бутун 1970 йил мобайнида тайёрлангандан 1134 тонна кўп бўлди. Ҳар қутн кўрт уруғидан ўтган йилги 58 кило-грамм урғига 60 килограммдан кўпроқ қим-матли хом ашё олинди.

Тошкент ва Бухоро пиллачилари пилла тай-ёрлаш планин республикада биринчи бўлиб бажардилар. Фарғона, Андижон, Наманган, Қашқадарь, Сирдарь, Сурхондарь област-ларининг хўжаликлари давлатта пилла сотиш планларини муваффақиятли адо этиб, планга қўшимча пилла топширмоқдалар. Хоразм, Са-марқанд областлари ва Қорақалпоғистон АССР пилла тайёрлаш планин бажариш арафасида турибдилар.

Давлатта 4500 тонна пилла сотган Фарғо-на, 3100 тонна пилла сотган Андижон об-ластларининг хўжаликлари давлат планининг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Бухоро обласи пиллачилари давлатта план-дан ташқари 310 тонна, Тошкент обласи пиллачилари эса 140 тонна, Қашқадарь пил-лачилари 80 тонна ва Сирдарь пиллачилари 35 тонна қимматли хом ашё сотдилар.

Избоскан, Марҳамат, Балиқчи, Ленин, Мос-ква, Бўз, Олтинар, Бағдод, Уйчи, Учқўрғон, Бухоро, Ёғилдувон, Қорақўл, Ворошилов, Гу-листон, Навоий, Свердлов, Шахрисабз, Янқа-боғ, Богот, Хива, Янгиарик, Беруний, Юқори Чирчик, Пискент, Ўрта Чирчик, Каттақўрғон, Самарқанд, Жарқўрғон, Сарисий районлари-нинг пиллачилари ҳар қутн кўрт уруғидан 62—70 килограммдан пилла олиб, энг юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Республиканинг илгор хўжаликлари бун-дан ҳам юқори натижаларни қўлга киритди-лар. Оққўрғон районидagi Охунбобоев номили колхоз ҳар қутн кўрт уруғидан 84,6 кило-граммдан, Хива районидagi Фрунзе номи-ли колхоз 83 килограммдан, Хўжаобод районидagi «Ленинград» колхоз 80 кило-граммдан, Ленин районидagi «Ленин-град» колхоз 78,9 килограммдан, Ан-дижон районидagi Ждано номили кол-хоз 77,4 килограммдан, Избоскан районидagi Калинин номили колхоз 77 килограммдан, Ур-ганч районидagi Ленин номили колхоз 76 кило-граммдан, Каттақўрғон районидagi «Прав-да» колхоз 75 килограммдан, Киров райони-дagi «Октябрь 40 йиллиги» колхоз 72,2 кило-граммдан, Қўва районидagi Димитров номи-ли ва Москва районидagi Фрунзе номили кол-хозлар 72 килограммдан, Олтинар райони-дagi «XX партсъезд» колхоз 70,4 кило-граммдан, Сирдарь районидagi «Ленинград» колхоз 68 килограммдан, Ворошилов райо-нидagi «Победа» колхоз 67 килограммдан, Уйчи районидagi Калинин номили колхоз 70 килограммдан, Свердлов районидagi «Ўзбе-кистон» колхоз 68 килограммдан, Қизилтепа районидagi «Бўстон» колхоз 67 килограм-дан, Шахрисабз районидagi Энгельс номили

колхоз 64 килограммдан, Урганч районидagi Ленин номили колхоз 76 килограммдан, На-манган районидagi Худойбердиев номили сов-хоз 70 килограммдан пилла топширди.

Махшур пиллачилар ҳар қутн кўрт уруғи-дан 100 килограмм ва ундан ҳам кўп пилла олиб рекорд ҳосил еттиштирдилар. Ленинград районидagi К. Маркс номили колхоздан Дав-лат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олхон Султонова ҳар қутн кўрт уруғидан 111 килограммдан пилла олди.

Хўрмат Ташаеванинг издошлари — Бухоро районидagi «Маданият» колхозининг азево бошлиғи Мубош Маликова, Вобкент райо-нидagi «Зарафшон» колхозидан Мушарраф Жўраева, Ёғилдувон районидagi «Пахтаобод» колхозидан Мохиб Вазирова, шунингдек Наманган районидagi Держинский номили кол-хозининг Мелбиш Исронов, Термиз райони-дagi Исламов номили колхозининг Марзия Қўр-бонова, Шўрчи районидagi Киров номили колхозининг Зулайхо Маматқуллова, Тўрақўр-ғон районидagi «Москва» колхозининг Хосият Нуриддинова бошлиқ азеволари пилла олишди.

Пилла тайёрлаш планининг муваффақиятли бажарилиши ва пилла сифатининг яхшилани-шида пилла хариб қилиш нархининг ошири-лганлиги муҳим роль ўйнади.

Давлатта пилла сотиш давом этмоқда.

Республика колхозлари ва совхозлари пил-ла тайёрлашни қўнайитишга қатъий азму қарор қилишган. Яна камда 600 тонна пилла топширилиб, тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили учун олинган юксак социалис-тик мажбуриятлар шараф билан бажарилади.

ЁШ ФИГУРАЧИЛАР ИМТИҲОНИ

Тошкентда ёш фигурачилар спорт мактаби очиларми, деган хабарни кўнглик эур мамнуният билан қарши олганди. Ўтган уч ой мобайнида муз устида рақс тушиш санъатини ўрганиш ораусида ариза берганлар 1500 нафарга етай деб қолди.

Куни кеча «Юбилей» марказий спорт саройида ёшларнинг мактабга қабул қилиш

бўйича ўзига хос имтиҳонлар бўлди. Буларча фигурачи-спортчилар уч ёшлар саноидан ўтказилди. Ёшларнинг гавда тузилиши, чаққонлиги ва эчкилиги бўйича қобилиятни кузатишди. Ёшлар тажрибали врачларнинг уларнинг соғломлиги ҳақида ўз фикрларини айтиб туришди. Муз устида рақс тушиш ўз-ўзидан бўлмади. Нафосатли ҳаракатлар муз

ка билан уйғунлашмоғи лозим. Шунинг учун ҳам кичиктоилар музига тинч-тинч қобилияти бўйича алоҳида синаб кўрилди.

Ёш фигурачилар мактабига уч гурппа ташкил этилди. Бунда олти-ўн ёшли болалар спортнинг мазкур тури бўйича билим оладилар, маҳорат ўрганидилар. Машигулотларни шу йил сентябрь ойидан бошлаб юбо-



БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 — МОСКВА, 17.35 — Музика олимпиада, 18.00 — Спорт кундалиги, 18.30 — Миллионлар донишманди университети, 19.00 — ТОШКЕНТ, 19.05 — Телекўргач театри, 19.35 — Акхобор, 19.50 — Музикали курсатув. Ўзбек тилида: 20.40 — Акхобор, 20.55 — Шерият мухлислари. Ўзбек Қодир, 21.15 — Советларга сайловлар олдидан, 21.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари университети, 22.00 — Концерт, 22.40 — Бадий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ, 18.40 — Ўқишга марҳамат, 19.00 — МОСКВА, Концерт, 19.50 — Янгилар, 20.00 — Ўқитувчи (бадий фильм), 21.40 — Хўжалик фильм, 22.00 — Иоланта (опера).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ТОШКЕНТ, Ўқув курсатувлари, 20.10 — Ёш йиллик илгорлари, 20.25 — Оқ нарвон (бадий фильм).



НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/VI да Травата, 9/VI да Богасаров фонтани.

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/VI да Машаққатли йул, 9/VI да Олтин девор.

МУҚИМНОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/VI да Лақма.



ҚИШКИ БИНОДА

Ўқимтой жаноб «Р» — «ЧАНКА», «ВОСТОК» (жўфт соатларда), «СПУТНИК», НАВОИЙ НОМЛИ (жўдда ва кечқурун), «МОСКВА» (артилаб соат 11 ва кундуз соат 1, 5 кеч 7 да).

Том Жонс (2 серия) — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (жўдда соат 12, 2 серия, ва кеч соат 8 да), «МОСКВА» (жўдда соат 3 ва кеч соат 8.40 минутда).

Матта сайр (2 серия) — «ЎЗБЕК-КИСТО» (артилаб соат 10, кундуз 1, 4 ва кеч соат 7, 10 да), «ЎЗБЕК-КИСТО» 25 ИЛЛИГИ» (жўдда соат 12, 3 ва кеч соат 6, 8.45 минутда).

Хайр дўстлар! — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (жўфт соатларда, кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (артилаб соат 10, кундуз 4 ярим ва кеч соат 6.15 минутда), «КЎКЧА» (жўдда ва кечқурун).

Ўтган кунлар (Ўзбек тилида) — НАВОИЙ НОМЛИ (жўдда соат 1 ярим, 5 ва кеч соат 8.20 минутда).

Ефрейтор Збруевнинг етти қайлиги — САЊЪАТ САРОНИ (артилаб соат 11, кундуз 1, 3, 5 ярим ва кеч соат 7 ярим, 9.15 минутда).

ЕЗГИ БИНОДА

Хайти беҳуда ўтмаганлар — «ХИВА».

Ўқимтой жаноб «Р» — «ФЕСТИВАЛЬ».

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
1971—1972 ўқув йилига сиртки бўлимлиларнинг 1-курсига куниндаги мутахассисликлар бўйича

СТУДЕНТЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тўқимачилик саноати ишлаб чиқариши машиналари ва асбобларини, тўқимачилик машиналарини, пахтани дастлаб ишлаб, эгир толарини дастлаб ишлаб, химиявий толарлар ва пахтадан янгирини, ипақ текнотларини, трикотаж ишлаб чиқариши, тинкув буюмлари текнотларини, чарм буюмлар текнотларини, енгил саноат корхоналарини ташкил қилиш ва иқтисод, тўқимачилик саноатини ташкил қилиш ва иқтисод.

Хужжатлар 31 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 20 августдан.

Хужжатлар Тошкент-100, 2-Вибор кўчаси, 5-ўйга юборилсин.

Телефонлар: 55-03-26, 55-02-25.

Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министригининг вичорилик саноати баш бошқармаси коллективни Кибто вино заводининг директори Ю. Г. Ломовага отаси

Гулом ИСМОИЛОВНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

ЖЕК ЛОНДОННИНГ СЎНГИ РОМАНИ

Ўз асарларида буржуазия жамиятининг манфур иллатларини аёвсиз фаш қилган танили Америка ёзувчиси Жек Лондоннинг архив қаровсиз қолди. Чунки архив 1916 йилда вафот этган ёзувчининг иккинчи иштирокида эди. Шу йилнинг апрели ойида Лондоннинг иккала қизи ҳам бирин-кетин вафот этишди. Улар оталарининг меросини жуда эҳтиётлик билан саклашарди. Ростини айтганда, сўнги пайтда эгча дуруст эи қилинди. Жек Лондоннинг сўнги, тугалланмаган «Қотиллик идораси» романи босмадан чиқарилди.

Романдаги воқеалар асримиз бошларида Американинг оддий хусусий идораларидан бирда содир бўлади. Бу идоранинг эгаси рус савдогари — эмигрант Иван Драгомилов маълум миндордаги чўтал ҳисобига рақибдан, меросхўрдан, натта бойлиги бўлган кенас хотинидан, бой холиси ени омадди дўстидан нутқилани хоҳловчи шахсларга хизмат қилади.


Тез орада бу идоранинг фаолияти ижтимоий тус олади унинг аъзолари ўлдирлиш керак бўлган шахсларни на. минга нақадар зарарли эканига қарай хуки чикаришга қарар қилишади. Бунинг учун ўлдирлашган шахсини тешири билан шугулланувчи махсус комиссия тузилади. Агар ўлимга махкум этилган одам жамият учун зарарли бўлиб қолса уни ўлдиривади.

Хамма иш мана шу тартибда давом эттиради. Лекин кунлардан бир кун бир минор келиб, жаноб Драгомиловнинг ўзини йўқотишни талаб қилади. Маълум текширишлардан кейин комиссия минорнинг талабини бамаришни лозим топади. Шундай қилиб, қотиллар идора бошлигининг изига тушишади. Романдаги воқеалар Қўшма Штатлардан Жанубий Америкага, кейин эса Гавай оролларига ўтади.

Романининг сўнги ўн етти бетини Ж. Лондон эзмаган. Ёзувчининг тугалланмаган асарини Роберт Л. Фиш давом эттирган.

Жек Лондон романи нима сабабдан тугалланмаган? Бунинг асосий сабаблари, Аммо ахир ким аниқ билимайди. Аммо ахир адабиётшуносларнинг фикрига кўра, одам ўлдириб компаниясини яратиш лозим. сининг ўзи америка жамиятининг беаъни истикболларидан дара бергани, бу манзарадан ёзувчининг ўзи ҳам кўриб кетган ва ундан бутунлай ҳафсаласи пир бўлади.

(«ВЕЛЪТ». Гамбург).



ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Дунай дарёси қирғоғида нефтни қайта ишловчи Словнафт комбинати. Нинг бунёд этилиши мамлакат иқтисодиётида натта роль ўйнади. Бу ерда «Дружба» нефтопроводи орқали Совет Иттифоқидан келган ёнилғи қайта ишланади.

ЧТК—ТАСС фотоси.



ИСКАНДАРИЯ. Бирлашган Араб Республикасининг йирик иқтисодий маркази бўлган бу шаҳар мамлакатнинг денгиз дарёзаси ҳамдир. Искандарияга ҳар йили барча қитъалардан 2 мингдан зиёд кема келиб кетади. Сўнги пайтларда бу портда Совет Иттифики кемаларини айланиб кўлаб учратиш мумкин. Суратда: Искандария кўчаларида.

И. Михайленко фотоси. (ТАСС).

БИРДАМЛИК МИТИНГИ

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасида араб халқлари бирдамлик ҳафтаси давом этмоқда. ГДР герман — араб жамиятининг раиси П. Шольц Берлинда бўлиб ўтган бирдамлик митингидан бундай деди: Янги Шарқдаги проблемани тинч йўл билан одилонга ҳал этиш мақсадиди. Бирлашган Араб Республикаси ва бошқа араб давлатларининг қиритган тинч-

ликевар таклифлари Исроил агрессорлари ва уларга ҳомийлик қилаётганлари фаш этди. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ҳам апа шу таклифларни қўллаб-қувватладилар. (ТАСС).

ШАХМАТ ТЎҒРИ ЧИҚАН «КАРОМАТ»ЛАР

Шахмат ахлини ҳаяжонга солган 20 кун ҳам ўтиб кетди. Жаҳон чемпионлиги учун саралаш мусобақалари кўп марта ўтказилган. Аммо, аниқ айтиш мумкинки, уларнинг ҳа-бири бу галдагидек муҳимларда эур қизилки тўғдирмаган, шов-шув бўлмаган эди. Сабоби, жаҳоннинг шахмат тоғига даъвогарлик қилишда ман-ман деб турган соҳиб шатранжлар иштирок этди-да!

Биз яқунловчи кунлар тафсилотига қисқача тўхталмоқчимиз. Москвадаги Союзлар уйининг мухташам Октябр элида ўйналган Геллер-Коричий ўйинида бирорта ҳам енгил урчушув бўлмади. Кескин давом этган еттинчи урчушувда ташаббус Коричийда бўлди. 34-юришда у юттиши мумкин эди. Лекин ўйнашга вақтинг тағиллиги ҳалақит берди. Уйин давом эттирилганда, Геллер янгиллида ва имкониятни бой бериб қўйди.

Гроссмейстер Село. Флор таъбири билан айтганда, Коричийнинг маҳоратини яхши биледиган Геллер ора йўлда қолиб кетди. Тахликаларни даф қилган, қоралар эста «қанотларини ростлаб» рақибга ўзи ҳамла қила бошлади ва тез орада уни холдан тойдирди. Охири икки ўйин бўлмасдан-ноқ, урчушув тугади: 5.5:2.5 ҳисобида ғолиб чиққан Коричий ярим финалда қатъий ҳоким соҳиб жаҳон чемпионлиги Тигран Петросян билан беллашадиган бўлди. Бундан ўн йил аввалги саралаш мусобақаларида у финалгача етиб борганлигини эслатиб ўтиш керак. Ҳозир 40 ёшли Виктор Коричийнинг ани кучга тўлган пайти.

Учинчи бўлиб Канар ороларда ўйналган Ларсен—Ульман урчушув тугади. Еттинчи урчушувдан сўнг ҳисоб Ларсен фойдасига 4.5:2.5 бўлиб қолган, муҳимлар: «урчушув энди тугади» деб турган ҳам эдиларки, кейинги ўйинда Ульман ғолиб келди, деган хабар уларни иккилантириб қўйди. Ларсен қизик шахматчи: актив ҳаракатлар қилар экан, рақибига ҳам катта эрк бериб қўйди. Тўққизинчи урчушув ҳам ана шу тарзда давом этди. Тактик жиҳатдан Ларсен рақибидан устун эканлиги маълуми ҳал қилди. Даниялик машҳур гроссмейстер 5.5:3.5 ҳисобида рақибини енгиб ниятига етди.

Тайманов — Фишер урчушувлари бошқалариникидан уч кун кейин бошланган бўлса ҳам, халқаро федерацияга белгиланган муддатдан қийиб кетмади. Сабоби, энг ҳам ўйин шўлар ўртасида бўлди. Иккинчи урчушувда нақ дуранига қўлдан чиқарган учинчисида эса ҳужум қила туриб, кечирилмас хато билан юттиш ўрнига мағлуб бўлган ленинградлик тажрибали гроссмейстернинг асосий ҳолатини тасаввур этиш қийин эмас. Тўртинчи ўйинда Фишернинг маҳорати яққол намоён бўлди. Мувоазанатини йўқотган Тайманов бешинчи ўйинда бутун бир руҳини текинга бериб қўйди. Олтинчи урчушувини ҳам бой бериб, 0:6 ҳисобида енгилди.

Иккинчи ярим финал ўйинида габриинг энг кучли шахматчилари Фишер билан Ларсен беллашадиган бўлди. Қизик шундаки, буларнинг бири иккинчисини тан олмади. Ал-қалери ҳам бузуқ. Бинобарин, улар ўртасида «битим», яъни дурон деган нарсани кам ўрса саркар. Янми финал урчушувлари 4 ва 11 июлда Москва ва Америкада бошланади.

М. МУХИТИНОВ, СССР спорт мастери, «Совет Ўзбекистони» шахмат шарҳловчиси.

ФУТБОЛ

Мамлакат чемпионати нинг навбатдаги турида республикаимизнинг одий лига вакили «Пахтакор» ўз майдонда Ереваннинг «Ара-рат» командасини қабул қилди. Арман футболчилари билан баҳам қўрилган бир очко командамизни ҳаффи зонадан олиб чиқди. «Пахтакор» навбатдаги ўйинни 10 июнда Бокуда ўтказилади.

ДИҚКАТ МАРКАЗИДА

◆ НЬЮ-ЙОРК. Совет Иттификида учувчи бошқариб борадиган «Союз-11» космик кемаи учирилганлиги тўғрисидаги хабарларга Америка информатия агентликлари «Молния» деган белги қўйиб тарқатди ва бу космик кемада уч нафар космонавт учиб бораётганлигини хабар қилди. АП агентлиги «Союз-11» экипажнинг вазифаси «19 апрелда орбитага чиқариб қўйилган «Салют» орбитал космик станцияси билан биргаликда илмий техникавий тадқиқотлар ўтказишни давом эттиришдан иборат», деб таъкидламоқда. Американинг бошқа бир агентлиги — ЮПИ космик кемаларидаги системаларнинг ҳаммаси нормал ишлаб турганлигини ва космонавтларнинг ишлаши учун нормал шаронти таъминлаб турганлигини қайд қилмоқда.

◆ БУДАПЕШТ. Совет Иттификида «Союз-11» космик кемаи уч космонавт билан бирга учирилганлиги тўғрисидаги хабар Будапешт радиосининг эрталабки сўнги ахборотидаги асосий янгиллик бўлди. Радио хабарида космик кема аппаратлари нормал ишлаб турганлиги, космонавтлар ўзларини яхши ҳис қилаётганлиги ўқтириб ўтилди.

◆ ПАРИЖ. Франция радиоси ва информатия агентликлари Совет Иттификида янги космик кема — «Союз-11» учирилганлиги тўғрисидаги хабарни «Шошилинч» ва «Молния» деган белгилар қўйиб тарқатишди.

Франс Пресс агентлиги ўзининг хабарида уч космонавт билан бирга учирилган «Союз-11» космик кемаи «Союз-10» кемасининг «Салют» илмий станцияси билан бирга учганида бошлаб берган экспериментларини давом эттиради, деб қайд қилмоқда.

◆ ТОКЮ. Кюдо Цусин агентлиги ТАСС ахборотида асосланиб берган хабарида Совет Иттификида «Союз-11» космик кемаи уч космонавт билан учирилганлигини маълум қилди. Япониянинг телевизион ва радио эшиттириш компаниялари ҳам СССРнинг космик фазони ўзлаштиришдаги янги ютуғи тўғрисида хабар қилди.

◆ БОНН. Совет Иттификида «Союз-11» космик кемаи учирилганлиги тўғрисидаги ТАСС ахборотини ДПА агентлиги «Шошилинч» деган белги қўйиб тарқатди. «Союз-11» кемасини учуришдан мақсад «Салют» орбитал илмий станцияси билан бирга олиб борадиган комплекс илмий техникавий тадқиқотларни давом эттиришдан иборат эканлигини телеграф агентлиги алоҳида таъкидламоқда. (ТАСС).

ИВГОГАРИК ҚОРАЛАНДИ

ПНЕНЬЯН. ЦТАК агентлиги мухбирининг Касондан хабар беришича, Корея томонининг таклифига кўра, Паньминь-чжонда Кореяда сулҳ тузиш ҳарбий комиссияси хавфсизлик офицерларининг урчушув бўлиб ўтган. Урчушувда Корея томони 31 май, шунинг билан 1, 2 ва 4 июль кунларида биргаликда қўриқлаш зонасида Корея ҳодимларига ўз хизмат вазифасини бажаришда ҳалқини бериш мақсадига Америка агрессорлари қилган ивгогарлик ҳаракатини кескин қорайтди.

Бирлашган Фаластин қўмондонлиги вакилининг баёнотида ҳувофий партизандар исроилликларнинг танклар, вертолётлар ва артиллерия тўплари бердамда олиб борган ҳужумини қайтарганлар.

ДИПЛОМАТИНГ ЕЗГАНЛАРИ

«Маданий революция» йилларида кадр ҳодимларнинг жуда кўпи давлат, партия ва жамоатчилик фаолиятдан четлаштириб қўйилди. Уларни нима қилиш керак, деган савол туғилди.

Ишдан четлаштирилган кадр ҳодимлари «нишга жойлаштириш» йлгари ҳам қўлалиб келинган. «маданий революция» даврида эса бир мунча янгиланган шаклда, яъни «меҳнатда қайта тарбиялаш» деган шаклда ташкил этилди. Хитой матбуоти тўғрисидаги маълумотларга кўра, бунинг Мао Цзэ-дуннинг берган фармойиши бошлал берди. Маонинг фармойишида бундай дейилган эди: «Кадр ҳодимларнинг кенг оммаиес жисмоний меҳнатга юборилсин. Бу — кадрларни янги-ча ўқитиш учун жуда қўлай имкониятидир. Хаммани шундай қилмоқ керак... Ўз мансабларида ишлаб турган кадр ҳодимлар ҳам гуруҳларга қилиниб жисмоний меҳнатга юборилишлари лозим».

Шундай мактабларнинг биринчиси 1968 йилнинг май ойида Хэй-туншяи вилоятининг Люхэ деган жойида ташкил этилди. Люхэга асосан илгариги вилоят мусасаларининг ишдан четлаштирилган кадрлари қўйилди.

(Давоми. Боши газетанинг 7, 18 ва 22 май сонларида).